

ШИМОЛИЙ  
АФФОНИСТОНДАН  
ТОПИЛГАН  
**БОХТАР**  
**ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТАРИХИЙ**  
**МАНБА ЎЛАРОҚ**

**Мардонбек Ражапов,**  
Тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори



### **Аннотация.**


*В данной статье анализируются роль и значение бактрийских документов, найденных в Северном Афганистане, в качестве исторического источника для изучения истории Турана в период раннего средневековья. В статье также рассматривается история открытия и изучения этих документов. С критической точки зрения анализируется ошибочный подход в национальной историографии, заключающийся в неверном обобщении этих документов под названием «Раватакский архив» и их привязке исключительно к кушанскому периоду.*

*Кроме того, в статье на основе анализа внешней (двойные экземпляры, печати) и внутренней (вступление, основная часть, заключение) структуры документов обосновывается существование в регионе развитой правовой системы. Посредством анализа содержащихся в документах сведений о купле-продаже, долговых обязательствах, аренде, налогах, рабстве и семейных отношениях освещается социально-экономическая картина Турана IV–VIII веков.*

*Важная научная новизна статьи заключается в том, что на основе анализа встречающихся в документах тюркских титулов («каган», «ябгу», «тархан», «тудун») и этнонимов («Абдало»), на прямых свидетельствах доказываются роль и влияние тюркских народов в государственности Турана в эпоху раннего средневековья.*

### **Ключевые слова:**

*Бактрийские документы, «Раватакский архив», Кутлуг Табаглыг Бильге Чавуи, абдалы, «налог абдалов», «тюркский налог», «арабский налог», ябгу, каган, тудун, тархан.*



## Annotation.

*This article analyzes the role and significance of the Bactrian documents found in Northern Afghanistan as a historical source for the study of the history of Turan in the early medieval period. The article also examines the history of the discovery and study of these documents. From a critical point of view, it analyzes the erroneous approach in national historiography, which consists in the incorrect generalization of these documents under the name «Rabatake Archive» and their attribution exclusively to the Kushan period.*

*Furthermore, based on an analysis of the external (duplicate copies, seals) and internal (introduction, main part, conclusion) structure of the documents, the article substantiates the existence of a developed legal system in the region. Through the analysis of information contained in the documents regarding purchase and sale, debt obligations, rent, taxes, slavery, and family relations, the socio-economic picture of Turan in the 4th–8th centuries is illuminated.*

*The significant scholarly novelty of the article lies in the fact that, based on an analysis of Turkic titles (“kagan”, “yabgu”, “tarkhan”, “tudun”) and ethnonyms (“Abdalo”) found in the documents, the role and influence of the Turkic peoples in the statehood of Turan during the early medieval era are proven with direct evidence.*

## Key words:

*Bactrian documents, “Rabatak Archive”, Qutluğ Tabaghliq Bilge Chavush, Abdals, “Abdal tax”, “Turkic tax”, “Arab tax”, “yabgu”, kagan, tudun, tarkhan.*

Илк ўрта юзйилликлар Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим тарихий эврилишларни ўз бошидан кечирган. Бу даврда Турон замини бирин-кетин Хионийлар, Кидарийлар, Абдаллар ва Турк хоконлиги томонидан бошқарилган. Миллий ва хорижий тарихшуносликда мазкур сулолаларнинг тарихи асосан Хитой, Арман, Сурёний, Пахлавий, Ҳинд ҳамда Араб ва Форс тиллардаги манбалар, шу билан бирга минтақадан топишган ва топилаётган археологик ашёлар орқали ўрганилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бу давр тарихий манбалари ўтмишдаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий жараёнларни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тарихий ҳақиқатни тиклашда муҳим роль ўйнайди. Улар қатта ҳажмдаги маълумотларни ўз ичига олса-да, ҳар доим ҳам ҳолис ва объективлик нуқтаи назаридан ёритилмаган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, бу гуруҳ манбаларида оддий одамларнинг қундалиқ ҳаётига бевосита алоқадор маълумотлар ниҳоятда кам бўлиб, улар кўпинча сиёсий тарихга бағишланган. Шу сабабли, фақатгина ташқи сиёсий воқеаларни эмас, балки аҳолининг ички ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётини ҳолис ёритиш зарурати туғилади. Маълумки, ушбу даврда Туроннинг жанубий ҳудудлари бўлган Бохтар (Тоҳаристон) воҳаси юқорида саналган давлатларнинг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан бири ҳисобланган. Демак, минтақанинг ички ҳаётини ва мулкый муносабатларини ўрганишда ташқи манбалардан кўра, айнан шу ҳудуднинг ўзида яратилган маҳаллий ҳужжатларнинг ўрни бекиёсдир. Айнан шу нуқтаи назардан, сўнгги ўн йилликларда Шимолий Афғонистон (қадимги Бохтар) ҳудудидан топишган бохтар тилидаги ёзма ҳужжатлар ушбу тарихий бўшлиқни тўлдирувчи бирламчи манба сифатида ниҳоятда долзарб илмий аҳамият касб этади.

**Бохтар ёзуви.** Ахамонийларга қарамликдан араб босқини чоғларига қадар бўлган минтақада қўлланилган маъмурий ёзувларни даврий жиҳатдан уч босқичга ажратиш мумкин. Булар: 1) оромий; 2) юнон; 3) бохтар.

Оромий ёзуви македониялик Александр Ахамонийлар подшоҳи Доро III (ми.авв. 336-330 йиллар)

<sup>1</sup> Хитой манбалари ўрта юзйилликлар Хитой ҳукумати бош мафқурасини ташкил этган “синоцентризм” (Хитойни дунёнинг маркази деб билиш) ва “самовий мандат” ғоясини ифодалайди. Унга кўра, дунёнинг маркази ҳисобланган Хитойнинг императори илоҳий қудратга эга (само-осмон томонидан танланган) ҳукмдор, бошқа давлатлардан келган элчилар ҳамда улар келтирган совға-саломлари эса тобеллик (ўшшон) белгиси сифатида қабул қилинган.; Пахлавий манбаларининг аксарияти зардуштийлик қоҳинлари томонидан ёзилган ва кўчирилган. Қоҳинлар учун асосий мақсад воқеаларни хронологик тартибда эмас, балки муқаддас анъаналарни қайд этиш бўлган. Бундан ташқари, ўрта форс тилидаги адабиётлар асосида қонинот ва унда инсоннинг ўрни масаласига қаратилган космологик ва дунё охирати борасидаги эскатологик қарашлар ётганлиги сабабли, матнларда кўпинча аниқ тарихий маълумотлардан кўра афсонавий ҳамда диний элементларга кўпроқ эътибор қаратилган.

ни мағуб этиб, унинг худудларини забт этгунга қадар истеъмолда бўлган. Шундай бўлса-да, Бохтар худудларида оромий ёзуви македониялик Александр даврида ҳам расмий ёзув сифатида сақланиб қолган. Вақт ўтиши билан юнон ёзуви билан алмаштирилди ва Кушон империяси юксалишигача давом этади. Канишканинг тангаларида биринчи марта юнонча ёзувлар ўрнида бохтар тилидаги ёзувлар пайдо бўла бошлади<sup>2</sup>. Бундан келиб чиқадики, Канишка юнон ёзувини четга суриб, маҳаллий бохтар ёзувини расмий ёзувга айлантирган. Унга қадар Кушонлар салтанатида давлат маҳкамачилигида юнон алифбосидан фойдаланилган бўлса, Канишка даврида ислохот рўй бериб, юнон алифбоси бохтар тилига мослаштирилган. Юнон алифбосига мослаштирилган бохтар ёзуви араблар босқинига қадар маъмурий ёзув вазифасини бажарган.

Бақтрия ёзувининг икки тури – монументал (тошга ўйилган йирик хат) ва курсив (тезкор уланма хат) турлари фанга маълум бўлиб, монументал турида ҳарфларнинг ўзаро уланмаслиги ҳамда думалок шаклда ёзилиши хос бўлиб, бу сўзларни ўқиш нисбатан осонроқ. Курсив услубда эса ҳарфлар бири иккинчисига уланиб ёзилиб, уни ўқиш мушуқлик туғдиради<sup>3</sup>.

Археологик тадқиқотлар натижасида топилган тангалардан маълум бўладики, монументал услуб кушонлар даврига хос бўлиб, курсив услубга ўтиш тамомила Абдаллар чоғига тегишли.

**Бохтар ёзувидаги ҳужжатларнинг топилиши.** 20-юзйилликнинг биринчи ярмида бохтар ёзувини ўрганиш фақат тангалар ва муҳрлардаги ёзувлар билан чекланган эди. Бу даврда танга ва муҳрлардаги сақланиб қолган бохтар ёзувига қиёсий материал йўқлиги сабабли ёзувнинг эврилишини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш имконсизлигича қолган. Бироқ 1957 йилда француз археологлари Афғонистоннинг Боғлон яқинидаги Сурхкўталда бохтар ёзувини топишга муваффақ бўлишди<sup>4</sup>. Матн 25 қатордан иборат бўлиб, тоштахтага ўйиб туширилган. Олимлардан А. Марик ва В.Б. Ҳеннинг ҳамда Х. Хумбах томонидан тадқиқ қилинган<sup>5</sup>. Жумладан, А. Марик Кушон ҳукмдори Канишканинг номи ҳамда баъзи муҳим сўз ва ибораларни аниқлаган бўлса, В.Б. Ҳеннинг ёзув Канишка эрасининг ўттиз биринчи йилида, яъни унинг вориси Хувишканинг ҳукмронлигининг бошида (милодий II асрнинг бошларида) қазилган қудуқ қурилиши ҳақида эканлигига аниқлик киритади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, 1993 йилгача яъни Раватак тош ёзуви топилгунга қадар деярли 40 йил давомида “Катта Сурх Кўтал” ёзуви бохтар тилини ўрганиш учун энг муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Бу давр оралиғида бир қанча бохтар ёзуви наъмуналари топилган бўлса ҳам, мавжуд билимларга

сезиларли даражада ҳисса қўша олмаган.

1993 йилда Афғонистоннинг Боғлон вилоятида Раватак қишлоғида афғон мужоҳидлари томонидан хандақ казиш пайтида тош ёзув топилди. Мазкур тош устун “Хавфли худудларда ҳаётни қўллаб-қувватлаш ташкилоти” (The Halo) ходимлари томонидан расмга олинди, Британия Музейига юборилди<sup>6</sup>. Ж. Криб Кушон подшоҳларининг тўрт нафар подшоҳ номлари келтирилган расмий ҳужжат сифатида унинг аҳамияти аниқлаган. Шундан сўнг Ж. Криб бу суратни “Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби” (СОАС) ходими Ничолас Симс-Виллиамс билан баҳам кўрган. 1995–1996 йилларда юнон алифбосига асосланган бохтар ёзуви олимлар томонидан нашр этилади. Унда Канишканинг аждодлари ҳамда унинг ҳукмронлигининг биринчи йилидаги баъзи воқеалар тасвирланади<sup>7</sup>.

2000 йилгача 150 дан ортиқ бохтар ҳужжатлари фанга маълум бўлган. Бу ҳужжатларнинг аксарияти 1979 йилда Совет давлати Афғонистонга қўшин киритганидан кейин бошланган тартибсизликлар йилларида Покистонга ноқонуний равишда олиб ўтилган. Шундан сўнг Пешавор бозорида сотила бошланган. Сўнгра турли тўплам йиғувчилар томонидан сотиб олинди, халқаро санъат бозорида кимошди савдоларига қўйилиб сотила бошланган. Бугунги кунда ҳужжатларнинг аксарияти Лондондаги доктор Носир Довуд Халили тўпламида сақланмоқда<sup>8</sup>.

Бугунги кунда миллий тарихшуносликда мазкур бохтар ҳужжатлари “Раватак архиви ҳужжатлари” номи билан нотўғри тарзда умумлаштириб юборилган<sup>9</sup>. Чунки бу ҳужжатларнинг ҳеч бири тасдиқланган келиб чиқишга эга эмас ҳамда улар битта архивга ёки бир нечта архивларга тегишли эканлиги ҳам номаълум.

Уларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, бохтар ҳужжатлари 4–8-юзйилликлар оралиғида ёзилган. Фикримишча, ҳужжатлар асрлар давомида жуда қулай шароитларда яширилган ва сақланган. Шу сабабли, бугунги кунгача яхши ҳолатда этиб келган.

**Бохтар ҳужжатларининг ўрганилиши.** Бохтар ҳужжатларини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар мажмуаси, гарчи нисбатан ёш бўлса-да, аллақачон ўзининг йирик тадқиқотларига эга. Бу соҳадаги деярли барча изланишлар учун асос ва бошланғич нуқта бўлиб Лондон университети профессори Николас Симс-Уилямснинг уч жилдлик “Шимолий Афғонистондан топилган бохтар ҳужжатлари” номи асари хизмат қилади. Асарнинг биринчи жилди 2001 йилда нашр этилган бўлиб, унда ҳуқуқий ва иқтисодий ҳужжатлар транскрипция ва

2 M.M. Ishaqov, R.R. Alimova. Arxivshunoslik. Toshkent. 2020. 50-bet.

3 Arxivshunoslik. 52-bet.

4 N. Sims-Williams. On kings and nomads: New documents in ancient Bactrian reveal Afghanistan's past // IIAS. №27. P.13 – 14.

5 Arxivshunoslik. 52 – 53 betlar

6 N. Sims-Williams. On kings and nomads: New documents in ancient Bactrian reveal Afghanistan's past // IIAS. №27. P.13.

7 New documents in ancient Bactrian reveal Afghanistan's past. P.14

8 <https://www.khalilcollections.org/portfolio/bactrian-documents-from-northern-afghanistan/>

9 Arxivshunoslik. 57 – 58 betlar.

инглиз тилига таржима қилинган<sup>10</sup>. Иккинчи жилд 2007 йилда нашр этилган. Унда мактублар ва будда матнлари таҳлил ва талқин қилинган<sup>11</sup>.

2012 йилда тўпламнинг учинчи жилди нашр этилган. Унда ҳужжатлар расмларини тақдим этиш билан бирга уларнинг жойлашган тўплами, санаси (саналар кўрсатилган қўлёзмалар учун), формати ва сатрлар сони, шунингдек, унинг нашрлари (шу жумладан тегишли мақолалар) ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган каталог киритилган<sup>12</sup>.

Бохтар ҳужжатлари тери, мато ва ёғоч тахтачаларга ёзилган. Профессор Николас Симс-Уилямс уларни 4 туркумга ажратган. Булар: 1. ҳуқуқий ҳужжатлар; 2. ўхшаш, санаси аниқ бўлмаган ҳужжатлар; 3. рўйхатлар ва ҳисоботлар; 4. ёғочдаги ёзувлар. Бохтар ҳужжатлари асосан олди-сотди далолатномалари, ер мулкни мерос қолдириш, солиқ тўлаш, қул савдоси далолатномаси ва тилхатлар, сарф-харажат ҳисоботлари ҳамда ягона намуна сифатида сақланган никоҳ шартномасидан иборат. Биринчи жилддан ўрин олган ҳуқуқий ҳужжатлар даврий тартибда “А” дан “Z” гача инглиз алифбо ҳарфлари асосида шартли равишда белгиланган. Бир йилда ёзилган иккита ҳужжат “А” ва “Аа” тартибда жойлаштирилган Ҳужжатларда 110 йилдан то 549 йилгача саналар кўйилган<sup>13</sup>.

Ушбу нашрлар Бохтар ҳужжатларининг матнларини, уларнинг таржималарини батафсил филологик ва грамматик таҳлилларини, кенг қамровли луғат ва кўрсаткичларни ўз ичига олади. Профессор Симс-Уилямснинг ишлари нафақат ҳужжатларни илмий муомалага киритиш, балки бохтар тилининг ўрнини белгилаш, унинг тарихий ривожланиш босқичларини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Кейинги йирик тадқиқот эронлик олим Ҳусайн Шейх Бўстободга тегишли бўлиб, у 2017 йилда Гёттинген университетида “Бохтар ҳуқуқий ҳужжатлари” номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Унинг тадқиқотлари асосан бохтар ҳуқуқий ҳужжатларига, уларнинг формулалари, терминологияси ва тарихий контекстини ўрганишга бағишланган. Шунингдек, бохтар ҳуқуқий анъаналарининг қадимги Яқин Шарқ бошқа ҳуқуқий тизимлар билан алоқадорлик даражаси, унинг эврилиш босқичларини кўрсатиб берган<sup>14</sup>.

Юқорида келтирилган йирик асарларни ҳисобга олганда, бохтар ҳужжатларини ўрганиш асосан кичик ҳажмли мақола ва тезислардан иборат. Уларда маҳкамачилик, суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий масалалар етакчилиги кўзга ташланади. Жумладан, эронлик

олим Ҳудайдод Резакхонийнинг “Балх ва Сосонийлар: Бохтарнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини акс эттирган шимолий Афғонистондаги бохтар ҳужжатлари” номли мақоласида минтақада ҳуқуқий тизим ва шартнома тузиш амалиётлари, ҳокимликлар ва уларнинг давлат бошқарувидаги ўрни, Абдаллар даврида Бохтар ва Суғд ўртасидаги савдо алоқаларининг йўналишлари, иқтисодий битимлар, солиқ йиғиш амалиёти ва бошқа муҳим масалалар ўрин олган. Муаллиф бохтар ҳужжатларининг Турон минтақасининг қундалик ҳаёти ва иқтисодиётни ўрганишдаги ноёб аҳамиятини таъкидлаб, Бохтарнинг Сосонийлар дунёси билан алоқадорлигини инкор этмаган ҳолда, унинг мустақил аҳамиятини ва Туроннинг тарихий жараёнларидаги ўрнини кўрсатишга интилган<sup>15</sup>.

Яна бир эронлик олим Саид Ризо Ҳусайн ўзининг “Бохтар ҳужжатларида қулчилик” номли мақоласида қулчиликка оид икки асосий ҳужжатни – қулнинг ўзини сотиб олиши ҳақидаги озодлик ёрлиғи (470 йил) ва очарчилик даврида бир боланинг қулчиликка сотилиши ҳақидаги шартнома (669 йил) – батафсил таҳлил қилади. У ҳужжатлардаги қулчиликка оид ҳуқуқий атамалар, шартлар ва ижтимоий масалаларни таҳлил қилган. Муаллиф ҳужжатлар асосида Бохтар ҳуқуқий тизимида қуллик расман тан олинган ва қонунийлаштирилган амалиёт бўлгани, қуллик билан боғлиқ ҳужжатлар судларда тузилгани, мансабдор шахслар томонидан гувоҳлик қилинган ва муҳрланганини келтирган<sup>16</sup>.

Таниқли инглиз тангашунос олими Жо Крибнинг ҳам бу борада хизматларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. У Николас Симс-Уилямс билан ҳамкорликда “Раватак” тош ёзувларини ўрганган ва нашр эттирган. Унинг тадқиқотлари Бохтар даврини (Bactrian Era) аниқлаштиришда муҳим аҳамият касб этган<sup>17</sup>.

Франциялик таниқли эроншунос ва исломшунос олим Франсуа де Блуанинг ишлари ҳам ҳужжатларни даврлаштиришга алоҳида эътибор қаратган. Унинг Николас Симс-Уилямс билан биргаликда “Шимолий Афғонистондан топилган бохтар ҳужжатларини даврлаштириш” номи монографияси бохтар ҳужжатларининг мураккаб даврлаш масалаларига бағишланган бўлиб, унда Бохтар тақвими ва “Бохтар эраси” муаммолари чуқур таҳлил қилинган<sup>18</sup>.

Ҳужжатларнинг топилиши ва ўрганилишидан бошлаб орадан шунча вақт ўтишига қарамай миллий тарихшуносликда ҳужжатларни истеъмолга киритиш бўйича дадил қадам сезилмаган. Бунга сабаб сифатида айтиш мумкинки, бохтар ҳужжатларининг барчасини

10 N. Sims-Williams. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. I: Legal and Economic Documents. Oxford. 2001.

11 N. Sims-Williams. Bactrian Documents from Northern Afghanistan II: Letters and Buddhist Texts. London. 2007.

12 N. Sims-Williams. Bactrian Documents from Northern Afghanistan III: Plates. London. 2012.

13 N. Sims-Williams, F. de Blois. Studies in the chronology of the Bactrian documents from Northern Afghanistan. Wien. 2018. P. 15 – 16.

14 H. Sheikh. Studies of Bactrian Legal Documents. For Doctor of Philosophy. Gottingen. 2017.

15 Kh. Reazkhani. The Bactrian Collection: an Important Source for Sasanian Economic History // e-Sasanika. №13. 2008. P. 1 – 14.

16 S.R. Huseini. Slavery Represented in Bactrian Documents // Slavery & Abolition. №44. 2023. P. 682 – 696.

17 N. Sims-Williams, J. Cribb // A New Bactrian Inscription of Kanishka the Great // Silk Road Art and Archaeology. №4. 1995. P.75-142.

18 N. Sims-Williams, F. de Blois. Studies in the chronology of the Bactrian documents from Northern Afghanistan. Wien. 2018

“Рават архиви”га киритиш, иккинчидан, ҳужжатларни даврлаштиришини, ундаги маълумотларни фақат Кушонлар даври билан боғлаш тарзида нотўғри ёндашув асос бўлиб хизмат қилган. Фикримизча, айнан шу омиллар миллий тарихшуносликда илк ўрта юзйилликлар тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишдан йироқлаштирилган.

Умуман олганда, Бохтар ҳужжатларининг кашф этилиши ва уларнинг илмий муомалага киритилиши Турон, хусусан, Бохтар тарихи, тили, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётини ўрганишда туб бурилиш ясади. Гарчи бу соҳадаги тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан нисбатан ёш бўлса-да, қисқа вақт ичида салмоқли ютуқларга эришилди.

Сўнгги йилларда бохтаршунослик тадқиқотларининг кўлами кенгайиб, Хусайн Шейх Бўстобод, Худайдод Резакхоний, Саид Ризо Хусайний каби олимларнинг изланишлари натижасида ҳужжатларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва кундалик ҳаётга оид жиҳатлари чуқурроқ ўрганилмоқда. Жо Крибб ва Франсуа де Блуанинг тангашунослик ва бохтар ҳужжатларини даврлаштириш муаммоларига ойдинлик киритишга хизмат қилмоқда.

Бу тадқиқотлар шунинг кўрсатадики, Бохтар ҳужжатлари минтақанинг нафақат Кушонлар империяси сиёсий тузилмалар билан алоқадорлигини, балки унинг ўзига хос ички ривожланишини, мустақил иқтисодий ва ҳуқуқий тизимга эга бўлганлигини ҳам очиқ бермоқда. Улар Турон заминининг қадимги цивилизациялар чоррахасидаги ўрни ва аҳамиятини янги баҳолаш имконини беради.

Шу билан бирга, ҳужжатларда акс этган кўплаб масалалар, жумладан, маҳаллий бошқарув тизимлари, диний эътиқодлар, этник муносабатлар ва маданий ҳаётнинг турли қирралари каби масалалар янги тадқиқотларга муҳтож.

### Ҳужжатларни даврлаштириш масаласи.

Бохтар ҳужжатларини даврлаштириш ва уларни шу асосда ўрганиш, мазкур ҳужжатларни тадқиқ этишдаги энг муҳим ва мунозарали жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу масала бўйича ишлар, асосан, ҳужжатларни таржима қилиш билан шуғулланган бир қатор тадқиқотчилар томонидан олиб борилган бўлиб, улар томонидан янги ғоялар илгари сурилган<sup>19</sup>. Бироқ минтақадаги сиёсий воқеалар хронологияси ҳақида аниқ тасаввур мавжуд эмаслиги сабабли, ҳужжатларнинг саналанган

даври ноаниқ бўлиб қолмоқда. Қисқача айтганда, саналанган ҳуқуқий ва шартнома ҳужжатлари, шунингдек, мактублар номаълум бир даврнинг 110–549 йиллари орасида тарқалган бўлиб, кўпинча ой ва кун билан аниқ саналанган. Бу саналар Бохтар тақвимида асосланган бўлиб, уни аниқлаш ва милодий йил ҳисобига ўтказиш алоҳида мураккабликни туғдиради.

Дастлаб, Симс-Уилямс бу даврнинг бошланишини 233 йил билан боғлаб, уни “Кушон-Сосоний даври” деб атаган<sup>20</sup>. Бу Кушонлар империясининг Сосонийлар томонидан қулатилиши билан изоҳланади. Кейинчалик, олим мазкур масала юзасидан ўз қарашларини ўзгартириб, Сосонийлар империясининг Ардашир I томонидан милодий 223/224 йилда ташкил этилишига асосланган “Сосонийлар даври” тушунчасини илгари сурган<sup>21</sup>.

Бироқ Худойдод Резакхоний бу даврлаштириш моделларида жиддий камчиликлар мавжудлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, биринчи сабаб шундаки, Сосонийларнинг ўзлари бундай ягона империя даврини қўллаганликлари ҳақида ишончли далиллар мавжуд эмас. Иккинчидан агар Шопур I нинг милодий 248 йилда минтақани тўлиқ забт этгани тахминини қабул қилган тақдирда ҳам, нега айнан милодий 223 йил бошланғич нуқта сифатида олинishi кераклиги ноаниқ қолади<sup>22</sup>.

Шунингдек, Худойдод Резакхоний нумизматик маълумотларни ҳужжатларда қайт этилган тарихий маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиш асосида Симс-Уилямс томонидан қўлланилган даврлаштириш моделини тадқиқ этишдаги муаммоларни келтирган. Унинг таъкидлашича, Афғонистонда Сосоний кумуш тангалари асосан Шопур II (милодий 309–379 йиллар) давридан сўнг кенг тарқалган. Холбуки, ҳужжатларда кумуш тангалар ҳақидаги дастлабки маълумот “N” ҳужжатида (Бохтар даври билан 407 йил) учрайди. Бу тақлиф этилаётган Сосонийлар даврига мувофиқ милодий 630 йилга (407BE+223CE= Милодий 630) тўғри келади. Бундан ташқари, “Q” ҳужжатида (Бохтар даври билан 449 йил) тилга олинган Кубоднинг кумуш тангалари, агар Сосонийлар даври қўлланилса, Кубоднинг вафотидан (милодий 488–531 йиллар) қарийб 150 йил кейинги даврга, яъни милодий 672 йилга (449BE+224CE= Милодий 673) тўғри келади. Яъни, Кубод I тангалари унинг вафотидан қарийб бир ярим аср (143 йил) ўтиб ҳам амалда бўлган деган ҳулоса келиб чиқадики, бу хронологик жиҳатдан мантиққа зиддир. Бу номувофиқликлар даврлаштириш масаласида жиддий нуқсонлар мавжудлигини кўрсатади<sup>23</sup>.

Худайдод Резакхоний юқоридаги зиддиятли

19 N. Sims-Williams & F. de Blois. The Bactrian calendar // Bulletin of the Asia Institute. №10. 1998. P.149 – 165. O‘sha mualliflar. The Bactrian calendar:

D. Weber. Wiesbaden. 2006. P. 185 – 196.

20 The Bactrian calendar. P.152 – 155.

21 Studies in the chronology of the Bactrian documents from Northern Afghanistan. Wien. 2018. P.27 – 29.

22 Kh. Rezakhani. Balkh and the Sasanians, the Economy and Society of Northern Afghanistan as Reflected in the Bactrian Economic Documents // Ancient and Middle Iranian Studies. 6th European Conference of Iranian Studies, held in Vienna, 18–22 September 2007. Wiesbaden: Harrassowitz, 2010. P. 6 – 8.

23 Balkh and the Sasanians, the Economy and Society of Northern Afghanistan as Reflected in the Bactrian Economic Documents. P. 7.

маълумотларни таҳлил қилган ҳолда Бохтар ҳужжатларини саналаш учун аввалроқ бошланиш нуқтасини излаш заруратини юзага келтирганини қайд этган. Бунга сабаб сифатида, Бохтар ҳудудларига Сосонийлар таъсири кейинроқ кириб келганини, бу эса бутун ҳужжатлар учун “Сосонийлар даври”ни қўллаш мутлақо асоссиз эканлигини келтирган.

Худайдод Резакхоний фикрича, Бохтар ҳужжатлари мантқан Канишка давридан (127 йилдан) ҳисобланадиган бўлса, Бохтар ҳудудида сосоний кумуш тангаларининг, хусусан, Кубод томонидан зарб этилган тангалар хронологиясига мос тушишни келтириб ўтган<sup>24</sup>.

Ҳужжатлар саналарини белгилаш масаласида қуйидагича тўхтамга келиш мумкин. Барча ҳужжатлар учун Канишка даврини ёки Ардашир Iнинг ҳукмронлигини ишлатиш мутлақо асоссиз. Ҳужжатлардаги тарихий воқеалар тафсилотидан келиб чиқиб, уни 5 даврга бўлиб таснифлаш мумкин: 1) Кушон-Сосоний (245–370 йиллар), Хион-Кидарий (370–466 йиллар), Абдаллар (466–559 йиллар), Турк хоқонлиги (559–710 йиллар), Араб халифалиги (710–770). Бунда биринчи даврда Кушон тақвимида фойдаланилган бўлса, Бохтар ҳудудида сосонийлар таъсирининг ортиши нағижасида Сосонийлар тақвимида фойдаланишга ўтилган. Масалан ҳужжат “Г” да 260 йили (260BE+223/224CE=483/484 йил) Ормузднинг Ямш исмли шахсга қилган баёнотида Малр аҳолисида Зиндук унинг ўғли Рам-гул Абдалларга олгин ва қўйлар билан солиқ тўлаганлиги, ундан бошқа тўлов учун нарсаси йўқлиги келтирилган<sup>25</sup>. Шунингдек, ҳужжатда келтирилишича, солиқлар энди сосонийлар томонидан эмас, балки абдаллар томонидан белгиланган. Бу ҳолат 484 йил манбаларда қайд этилган сосоний Перўзнинг халокати ва ҳудудларнинг бир қисми Абдалларнинг сиёсий назоратига ўтганини тасдиқлайди<sup>26</sup>.

Эронлик олим Худайдод Резакхоний фикрига нисбатан қўшилиш мумкин. Бунга сабаб сифатида Бохтар ҳудудига Эроннинг таъсири Шопур II (309–379 йиллар) ва ундан кейин сезилганлиги бўлса, иккинчидан Абдаллар, Турк хоқонлиги давлат бошқарувининг асосини Кушонлардан ўзларига мерос қилиб олишган. Шундай экан, давлат бошқаруви аъёнлари билан биргаликда Кушон тақвими бу ҳудудда кенг фойдаланилган.


**Ҳужжатларнинг ташқи тузилиши.** Манбашунослик жиҳатидан бохтар ҳужжатларида ишлатилган қоғоз тури, ўлчам, ёзуви ва тили, муҳри каби маълумотлар ҳужжатларнинг ёзилиш сабабларини, қачон ва қаерда ёзилганлиги, шу билан бирга, ҳужжатларнинг даражасини яққол намойиш этади.

Бохтар ҳужжатлари ягона ва икки нусхали ҳужжатлардан иборатдир. Оддий ҳужжат бир нусхадан

иборат бўлиб, у фақат бир марта ёзилган. Масалан, “O”, “R”, “S”, “Ss”, “Tt”, “Uu”, “Uv” ҳужжатлари фақат бир нусхадан иборат<sup>27</sup>.

Бохтар ҳужжатларининг кўпчилиги икки нусхадан бўлган. Улар шартноманинг иккита деярли бир хил матндан иборат. Бир нусха юқори қисмга ёзилган ва бирор-бир масала юзасидан қатнашган гувоҳлар, шунингдек, даъвогар ҳамда ижрочилар томонидан бармоқ билан муҳрланган.

Иккинчи нусха худди шу вараққа, улар орасида бўш жой қолдириб ёзилган пастки нусхаси ўқиш учун очик қолдирилган. Бунда шартнома тузувчи томонлар ва гувоҳларнинг муҳрлари ёки тирноқ излари туширилган олтигача лой муҳрлари билан тасдиқланган. Уларнинг исмлари баъзан муҳр иплари учун тешиқлар ёнидаги ҳужжатнинг орқа томонига ёзилган. Эҳтимол, ёпиқ нусха низола юзага келганда муҳрланган нусхани судья ҳузурда очиш учун ишлатилган. (1-расм)



Ҳужжатни шакллантириш жараёнида дастлаб ички матн ёзилган, сўнгра ҳужжатнинг марказий қисмидан горизонтал кесик очилган. У ўралган ва букланган, матн ва юқори қисми ичкарига муҳрланган. (2-расм).

**Ҳужжатларнинг ички тузилиши.** Ҳужжатлар ички тузилишига кўра, кириш, асосий қисм ҳамда якунловчи қисмдан иборат.

Бохтар ҳужжатларининг деярли барчасида кириш қисми сана, ҳужжат тузилган жой, ҳужжат ижрочилари ва гувоҳлар рўйхатини ўз ичига олади. Саналар дастлаб йил, кейин ой ва кун тартибида келади. Сана “*χρονον*” ёки “*αχρονον*” (йил) сўзи билан бошланади ва асосан “*καλδο*” (қачон) сўзи билан тугайди. Ҳужжатларда кун номлари Зардуштийлик тақвимида олинган<sup>28</sup>.


24 Ўша жойда.

25 Bactrian Documents from Northern Afghanistan. I: Legal and Economic Documents. P. 52.

26 I. Syvanne. The Three Hephthalite Wars of Peroz 474/5-484 // Historia I Šwait. №10. 2021. P.103–104.

27 Studies of Bactrian Legal Documents. P. 22.

28 Studies of Bactrian Legal Documents. P. 31.



Масалан:  $\chi\rho\nu\nu\sigma\ \sigma'\ \mu'\ \zeta'\ \mu\alpha\nu\sigma\ \sigma\tau\alpha\nu\delta\alpha\rho\omicron\mu\iota\delta\omicron\ \rho\omega\sigma\omicron$   
(247 йил, Спандармид ойи, Ормузд куни (эди).

Хужжатларда сана, ой ва кундан кейин манзил аниқ кўрсатилган. Манзил “ $\mu\alpha\lambda\omicron$ ” (бу ерда) сўзи билан бошланган.

Масалан:  $\chi\rho\nu\nu\sigma\ \upsilon'\ \zeta'\ \mu\alpha\nu\sigma\ \chi\alpha\nu\delta\iota\gamma\omicron\ \rho\omega\sigma\omicron\ \alpha\rho\tau\alpha\delta\omicron\ \kappa\alpha\lambda\delta\omicron\ \nu\alpha\beta\iota\chi\tau\omicron\ \mu\omicron\lambda\alpha\rho$

$\gamma\omicron\ \lambda\iota\tau\alpha\nu\omicron\ \beta\omega\sigma\tau\iota\gamma\omicron\ \mu\alpha\lambda\alpha\beta\omicron\ \sigma\alpha\mu\iota\gamma\gamma\alpha\nu\omicron\ \omicron\delta\alpha\gamma\omicron\ \alpha\beta\omicron\ \sigma\alpha\nu\delta\alpha\rho\alpha\nu\omicron\ \alpha\beta\omicron\ \rho\omega\beta\omicron\chi\alpha\rho\alpha\rho\gamma\omicron\ \alpha\lambda\beta\alpha\rho\omicron$ .

(407 йил, Хандиг ойи, Аштад куни эди, ўшанда ушбу муҳрланган хужжат, ушбу кафолат шартномаси, **бу ерда**, Саминган туманида, Сандаранда, Роб харининг саройида ёзилди).

Кириш қисмида сана ва манзилдан кейин ижрочилар ва гувоҳлар келтирилган. Барча битимлар гувоҳлар иштирокида тузилган. Гувоҳларнинг иштироки битимнинг хақиқийлиги ва қонунийлигини белгиловчи омиллардан бири сифатида қаралган. Одатда хужжатларда гувоҳ исмлари олдидан “ $\omicron\gamma\alpha\lambda\phi\omicron$ ” сўзи ишлатилган бўлиб, бохтар тилида “кўрмоқ”, “қузатмоқ” деган маънони англатган<sup>29</sup>.

Масалан:  $\alpha\beta\omicron\ \kappa\alpha\delta\alpha\gamma\omicron\theta\iota\delta\omicron\ \alpha\lambda\beta\alpha\rho\omicron\ \alpha\zeta\delta\eta\beta\iota\delta\omicron\zeta\alpha\rho\omicron\theta\omicron\rho\omicron\ \omicron\beta\tau\iota\alpha\nu\omicron$

(Ҳокимнинг маҳкамасида, Зар-вер Вибряннинг идроки билан.)

Асосий қисмда битимнинг далилларини баён этувчи кириш қисми билан бошланган. Унда битимнинг мақсади ва моҳияти очиқ берилган. Бохтар хужжатлар асосан далилларга қаратилганлиги сабабли, кириш қисмидаги иборалар аксарият хужжатларда жуда ўхшашдир. Хужжатлардаги асосий қисмининг узунлиги ва мазмуни битимнинг табиатига қараб белгиланган. Мисол учун сотиш шартномаси (ер, қул ва ҳоказо) да ўзаро келишув банди, сотув сабаби, мулкнинг тавсифи ва белгиланган пул миқдорини тўлаш бандларини ўз ичига олса, келишув битимларида сабаб бандидан кейин кафолат қисми мавжуд. Бошқа шартномалар, жумладан, ҳадя, қарз ва ижара хужжатлари юқорида санаб ўтилган бандларнинг баъзиларини ўз ичига олади.

Яқунловчи қисм битимнинг тасдиғидан ташкил топган бўлиб, битимнинг ижрочиси хужжатни ёзгани, уни муҳрлагани, тарафдорларга кўрилган масала юзасидан яқунловчи ҳукм келтирилган. Унда “ $\text{Καλδο πιδοοιτσαδο... μανο}$ ” яъни “Шартнома менинг томонимдан..... ёзилди(муҳрланди)” ибораси қўлланилган<sup>30</sup>. Масалан, “M” хужжатда 388 йил Бохтар даврида (612 йил) Моян исми шаҳс Мусга Кубод номи туширилган 3 қумуш танга қарз берган. Мус Моянга қарзни қайтариб бериши учун судда ўзаро битим тузишган. Битимнинг яқунловчи қисмида ижрочи Нане-банд жавобгарликни ўз зиммасига олгани, яъни кафолат қисми мавжуд. Унда кафолат шундай келтирилган: “...Агар Моян (асл қарз берувчи) келажакда қарзнинг қайтарилганлиги борасида Мус ёки унинг оиласи билан низолашса, Нане-банд жавобгарликни ўз зиммасига олади. Унга бирга икки нисбатда тўлайди...”. Бундан кўриниб турибдики, Нане-банднинг Моян билан юзага келган низода Муснинг зарарини икки баробар қоплаш мажбуриятини олган. Бу, Бохтар ҳуқуқида шартнома мажбуриятларини бажаришни таъминлаш ва томонларни ҳимоя қилиш учун жиддий жазолар тартиби мавжудлигини кўрсатади. Бундай кафолат бандлари битимнинг мустаҳкамлигини оширган ва келажакдаги низоларнинг олдини олишга қаратилган.

Умуман олганда, бохтар хужжатлари ўзининг мураккаб ташқи ва ички тузилиши билан, ўша давр ҳуқуқий тизимининг чуқур ривожланганлигидан далолат беради. Хужжатларнинг ягона ва икки нусхали шакллари, уларнинг саналаниши, жойлашуви, гувоҳлар иштироки ва аниқ белгиланган жарима ҳамда кафолат бандлари ўша давр жамиятида шартнома муносабатларига катта эътибор берилганлигини кўрсатади. Айниқса, икки нусхали хужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг низоларни ҳал қилишдаги роли, шунингдек, кафолат банди, томонларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган илғор тартиблар мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

**Бохтар хужжатларида ижтимоий-иқтисодий масалалар.** Бохтар хужжатларининг деярли барчаси (мактублар ва будда матнларидан ташқари) ҳуқуқий

29 Ўша асар: 39 – бет.

30 Studies of Bactrian Legal Documents. P. 58

хужжатлар саналиб, унинг ички моҳиятига кўра иқтисодий ҳуқуқий масалалар ҳамда ижтимоий ҳуқуқий масалаларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Иқтисодий ҳуқуқий хужжатларда асосан мол-мулк олди-сотдиси, ер ижараси, мол-мулкни ҳада қилиш, қарз олиш ва бериш, солиқ ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш, кафиллик хатларидан иборат бўлса, ижтимоий ҳуқуқий масалаларга никоҳ шартномалари, турли низоларни ҳал қилишга оид келишувлар ҳамда қулчиликка оид масалаларни киритиш мумкин. Бу хужжатлар минтақа жамятида мулкий ва шахсий муносабатларни тартибга солувчи ривожланган ҳуқуқий тизим мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Бохтар хужжатларида икки турдаги қуллик мавжудлиги келтирилган. Булар: 1) эгаси қўлида туғилган қул (*χοβο νιζαδαγο μαριγγο*); 2) пулга сотиб олинган қул (*δδραχμο χιρσιγο*)<sup>31</sup>.

Ҳар икки ҳолатда ҳам қулар шахсий мулк сифатида қаралган ва эгалари улар устидан тўлиқ ҳокимиятга эга бўлган. Эгалари қуларни сақлаши, сотиши, гаровга қўйиши, ҳада қилиши, ижарага бериши, ёмон хулқи учун ушлаб туриши ёки хизмати эвазига озод қилиши мумкин бўлган.

Хужжатлар одамларнинг қандай қилиб қулга айланиши мумкинлигини кўрсатади: туғилишдан қул бўлиш ёки эркин туғилиб, кейинчалик (масалан, очарчилик каби қийин пайтларда оила аъзолари томонидан) қулликка сотилиш. Қул ўзининг тўлиқ баҳосини тўлаб, эркинликни сотиб олиши мумкин бўлган. Бу ҳолатда унга озодлигини тасдиқловчи расмий хужжат берилган.

Қуларни ифодалаш учун “марег” (*μαριγγο*), “бандга” (*βανδαγο*), “банз” (*βανζο* – аёл қул) ва “маршконд” (*μαρσκονδο*) каби атамалар қўлланилган. “Māreg” ва “бандга” атамалари худоларнинг номлари билан бирга шахс исмларида ҳам учрайди (масалан, Баг-мāрег – Худо қули) ва бундай ҳолларда ҳуқуқий мақомни эмас, диний садоқатни билдирган. Шунингдек, қуйи мансабдорлар юқори мансабдорларга мурожаатида итоаткорлик белгиси сифатида “марег” атамасини ишлатган. Эркин туғилган одамларни ифодалаш учун “озод” (*αζαδο*) сўзи ишлатилган.

**Бохтар хужжатларида туркий сўзларнинг қўлланиши.** Миллий тарихшуносликда Туроннинг илк ўрта юзийликлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини ёритишда асосан турли тиллардаги ёзма манбалар ҳамда археологик тадқиқотлар натижасида қулга киритилган далилий ашёлардан фойдаланиш,

уларни ўзаро таққослаш орқали муҳим тарихий воқеаларни баён қилмоқдалар. Маълумки, ҳар бир давлат ёки халқ ўз тили қонуниятларидан келиб чиқиб бошқа бир халқ ёки давлатни, улардаги шахар ва дарёларни, давлат бошқарувидаги унвон ва лавозимларини номлаган. Масалан, Абдаллар арман манбаларида “хептал”, “хетгал”, “тетал”; византия манбаларида “эфтал”, “ок хунлар”; паҳлавий (ўрта форс) манбаларида “эфтал” ва “хефтал”; сурёний манбаларида “эпталит”; хитой манбаларида “е-да”, “е-диэн”, “идан”. Бироқ, ўз танга ёзувлари ҳамда бохтар хужжатларидан маълум бўладики, улар ўзларини Абадало “*ηβοδαλο ββγο*” номи билан аташган<sup>32</sup>. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотларда турли халқларнинг уларни ўз тилларида қандай ном билан аташидан келиб чиқиб эмас, балки ўз тилида ва ёзувида қандай атаганлиги билан юритиш лозим.

Бохтар хужжатларининг бир қанчасида туркий исмлар, унвонлар ва лавозимлар келтирилган. Масалан, Хужжат “Г” ва “П”, “al” да “*ηβ οδαλαγγο τωγο*” (Абадало солиғи) тилга олинган. Унда Зиндук ва Рам-гул Абдал солиғи учун олтин ва кўй тўлашга мажбур бўлганликларини, бошқа мол-мулклари йўқлигини баён қиладилар<sup>33</sup>. Хужжат “J” да ҳам “*ηβ οδαλαγγο τωγο*” (Абадало солиғи) тилга олинган бўлиб, Малр аҳолисининг икки фуқароси абдаллар солиғини тўлай олмагани учун уйини сотиш воқеалари келтирилган<sup>34</sup>.

Хужжат “N”, “P”, “Q” ларда “*ιενηλο ταρχανο*” (инол тархон) Хулхон номи билан Виларган ҳудудининг эгаси сифатида қайд этилган. Шунингдек ушбу хужжатда Роб ҳукмдори Фрамаризм Шабуран “*χαγανο*” (хоқон), “*ταποαγλυγο υιλτοβηρο*” (тапағлиғ илтабар) номлари билан келган<sup>35</sup>.

Хужжат “S” да “*ταδοно*” (тудун) унвони келтирилган бўлиб, Газ ҳудуди тудуни сифатида қайд этилган<sup>36</sup>. Хужжат “T” да Турк хоқони Халаж мулкнинг буюк ҳукмдори Тапағлиғ Билга Човушнинг рафиқаси Бек Озиёс энди туғилган фарзандининг касалликдан шифо топиши учун Камирд худосига миннатдорчилик билдириш ва унга қурбонлик сифатида мулк ва одамни бағишлагани келтирилган<sup>37</sup>.

Бохтар хужжатларининг мактублар қисмида ҳам туркий унвон ва лавозимлар келтирилган. Масалан, “эх” хужжатда Тоҳаристон ва Гарчистон қозисидан Ормузд Бунуканга расмий хат юборилган. Унинг саломлашиш ва ҳурмат қисми “*ηβοιδαλο ιαβγο*” (Абдаллар ябғуси) билан бошланган<sup>38</sup>. Хат юборувчи ўз саломатлиги ҳақида хабар беради ва Ормузд Бунуканнинг унинг саломатлиги ҳақидаги хатидан хабардорлигини билдиради. Расмий ёзишма характеридаги бу хужжат асосий буйруқлар дехкончи-

31 Slavery Represented in Bactrian Documents. P. 687

32 Bactrian Documents from Northern Afghanistan II: Letters and Buddhist Texts. P. 162.

33 Documents from Northern Afghanistan I: Legal and Economic Documents. P. 50 – 53.

34 Ўша асар: 54 – бет.

35 Documents from Northern Afghanistan I: Legal and Economic Documents. P.74,82,88 .

36 Ўша асар: 82 – бет.

37 Ўша асар: 98 – бет.

38 Bactrian Documents from Northern Afghanistan II: Letters and Buddhist Texts. P. 122 –123.

ликни назорат қилиш ва донни бошқариш билан боғлиқ. Ормузд Бунуканга донни топшириш ва уни фуқаролардан йиғиб олиш буюрилади.

Яна бир расмий ҳужжат “ja” да Зун-банданинг молиявий муаммоси бўйича Килманинг Абага мурожаатидан иборат бўлиб, хатнинг сўзбошиси “машхур ва фаровон Абдал ябғусининг ҳокими Абага” деб бошланган. Унда Зунбандга Килманга Тоснинг унга солиқ тўловини бермаётгани ва баҳоналар қилаётганидан шикоят қилади. Килман Абага мурожаат қилиб, Тос Зун-бандадан нима олган бўлса, уни қайтариб беришни таъминлашни талаб қилади<sup>39</sup>. Ҳужжат “яширин ёмонлик қилманг!” деган огоҳлантириш билан якунланади. Фикримишча, бу адолатни таъминлаш ва ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган.

Ҳужжат “jb” ўғрилиқ масаласига оид бўлиб, хатнинг саломлашиш қисми “Абдалларнинг шонли ябғуси, Роб ҳукмдори, Абдал ҳукмдорларининг котиби, Тохаристон ва Фархистон қозиси, олийжаноб ҳукмдор Сарт Хвадеббанданга” билан бошланган. Ҳужжатнинг асосий мазмуни фуқаро Спийнинг ўғирланган пулини қайтариш масаласи бўйича Азгаракнинг Сарт Хвадеббанданга мурожаатидан иборат. У Спийнинг масаласи ҳақида сўрайди, яъни унинг пулини ўғирлаган ўғрилар қочиб кетгани, ўғрилар қайтиб келиши биланок, Спий ҳам қайтиб келиши кераклигини ва унинг пулини ўн кун ичида тўлиқ қайтариб беришни буюришни сўраб мурожаат қилган<sup>40</sup>. Ҳужжатда мулкни ўғирлаш билан боғлиқ низоларни ҳукмдорлар орқали ҳал қилиш амалиёти кўрсатилган. Ўғирланган пулни қайтариш бўйича аниқ муддатнинг белгиланиши (ўн кун ичида) ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжудлигидан далолат беради.

Шимолий Афғонистондан топилган Бохтар ҳужжатлари, шубҳасиз, илк ўрта юзйилликлар Туроннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётини ўрганишда асосли аҳамиятга эга бўлган ноёб манба ҳисобланади. Ушбу ҳужжатлар, хитой, арман, сурёний, пахлавий, ҳинд, араб ва форс тилларидаги анъанавий ёзма манбалар билан бир қаторда, минтақа тарихининг кўп қиррали манзарасини тиклашда муҳим бўшлиқларни тўлдирди. Айниқса, сиёсий тарихга кўпроқ эътибор қаратган бошқа манбалардан фарқли ўлароқ, Бохтар ҳужжатлари оддий аҳолининг кундалик ҳаёти, мулкий муносабатлар, савдо-сотик, солиқ тизими, қуллик ва ҳуқуқий амалиётлар ҳақида бевосита маълумотлар бериши билан алоҳида қимматлидир.

Ушбу ҳужжатларда давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизими тўғрисида муҳим маълумотлар ўрин олган. Хусусан, маъмурий ёзишмалар, шартномалар, қарз битимлари, солиқ йиғиш амалиётлари минтақада ривожланган ҳуқуқий тизим ва давлат бошқаруви тартиблари мавжудлигини тасдиқлайди. Ягона ва икки нусхали ҳужжатлар, гувоҳлар иштироки, аниқ саналар ва қафолат бандлари ўша давр жамиятида шартнома

муносабатларига берилган катта эътиборни кўрсатади.

Моль-мулк олди-сотдиси, ер ижараси, қарз муносабатлари, қулликнинг икки тури (туғма ва сотиб олинган), шунингдек, қулларнинг озод этилиши каби маълумотлар минтақа аҳолисининг ижтимоий табақаланиши ва иқтисодий фаолияти ҳақида қимматли тасаввур беради.

Мазкур ҳужжатлар илк ўрта асрларда Туроннинг жанубий ўлкалари (Бохтар ва Тохаристон) қўшни йирик салтанатларнинг, хусусан, Сосонийларнинг шунчаки сиёсий ёки маданий тобе ҳудуди бўлмаганлигини кўрсатади. Аксинча, воҳада шартномавий муносабатларни қафолашловчи, жарима тартибларини қатъий белгиловчи ва мулк дахлсизлигини таъминловчи мустақил, ўта юқори даражада ривожланган ҳуқуқий ва маҳкамачилик тизими фаолият юритганлиги ҳужжатли тарзда ўз аксини топган. Бу эса минтақанинг ички ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ташқи манбаларда тасвирланганидан кўра анча мукамал ва маданийлашган бўлганлигини англатади. Бундан ташқари, ҳужжатлар минтақа тарихини ягона ва сунъий «Сосонийлар даври» қолипига солиб ўрганишдек нотўғри ёндашувни бутунлай инкор этади. Асл матнлардаги далиллар воҳада маъмурий ва солиқ тизими бевосита маҳаллий сиёсий қучлар, хусусан, Абдалларнинг ҳокимият тепасига келиши билан тубдан ўзгаргани ва мослашганини тасдиқлайди.

Энг муҳим ва асосли хулоса шундаки, мазкур маҳаллий ҳужжатлар Турон давлатчилиги ва бошқарувида туркий халқларнинг ўрни ҳақидаги баҳсларга узил-кесил нуқта қўяди. Расмий ҳуқуқий битимлар ва солиқ дафтарларида «хоқон», «ябғу», «тархон», «тудун», «илтабар» каби соф туркий унвонларнинг кундалик истеъмолда мустаҳкам ўрин олганлиги, шунингдек, Абдалларнинг ўзларини айнан туркий талаффузда «Абадало» деб атаб, улар номи билан «Абадало солиғи» йиғилганлиги оддий тасодиф эмас. Мазкур тарихий далиллар туркий халқлар минтақага фақат харбий қуч сифатида келмаганлигини, балки ўтроқ аҳолининг кундалик ҳаётида, суд-ҳуқуқ, солиқ ва маҳкамачилик тизимида бевосита етакчи, ташкилотчи ва қонун яратувчи қатлам сифатида тўлақонли фаолият юритганлигини кўриш мумкин.

Ҳужжатларнинг 4–8-юзйилликларни қамраб олиши, минтақанинг Хионийлар, Кидарийлар, Абдаллар, Турк хоқонлиги ва Араб халифалиги давридаги мураккаб сиёсий ва ижтимоий жараёнларини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратади. Умуман олганда, бохтар ҳужжатлари Ўзбек давлатчилиги тарихининг шу вақтгача номаълум бўлиб келган кўплаб саҳифаларини қайта кўриб чиқишга ва миллий давлатчилигимиз илдишларини чуқурроқ англашга хизмат қилувчи муҳим тарихий манбадир.

39 Ўша асар: 124 – бет.

40 Bactrian Documents from Northern Afghanistan II: Letters and Buddhist Texts. P.126.